

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУРАЗЗАКОВА ДИЛРАБО СЕЙТБАЕВНА

**ХЛАМИДИЙ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЛГАН
РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдураззакова Дилрабо Сейтбаевна

Хламидий инфекцияси билан биргаликда келган

ревматоид артритнинг кечиши ва

даволаш хусусиятлари 3

Абдураззакова Дилрабо Сейтбаевна

Особенности течения и лечения

ревматоидного артрита в сочетании с

хламидийной инфекцией..... 25

Abdurazzakova Dilrabo Seytbaevna

Features of the course and treatment of rheumatoid arthritis

combined with chlamydial infection..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУРАЗЗАКОВА ДИЛРАБО СЕЙТБАЕВНА

**ХЛАМИДИЙ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЛГАН
РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib851 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Халмурад Садуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Абдуллаев Акбар Хатамович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.И. Пулатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Аяви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўпгина давлатларида бўғимларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари қаторида ревматоид артрит (РА) оқибатида касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Қатор олимларнинг маълумотларига кўра, «...даволашда эришилган ютуқларга, беморларда ремиссияга эришиш имконини берадиган даволаш стратегиялари такомиллашишига, янги дори-дармонлар ишлаб чиқарилишига қарамасдан кўплаб муаммолар мавжуд...»¹. РА касаллигида беморларда яллиғланиш жараёнини назорат қилишнинг қийинлиги туфайли охир-оқибат беморларни ногиронликка олиб келиши, ёндош касалликлар, жумладан коморбид инфекция қўшилиши натижасида ўлим кўрсаткичининг юқорилиги ҳам бу касалликни тиббий ва ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири эканлигини билдиради.

Жаҳонда РА касаллигини эрта даврларида ташхислаш, даволашда самарали дори воситаларини излаш орқали касалликнинг ремиссия даврини узайтириш мақсадида кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада РАда атроф-муҳитнинг ҳамда коморбид инфекциялардан бўғим тўқимасига тропизм хусусиятига эга микроорганизмларнинг таъсири, уларнинг макроорганизм иммун тизимига боғлиқлиги ва касалликнинг кечиш хусусиятлари, беморларнинг ҳаёт сифатига инфекциянинг таъсирини ва даволаш самарадорлигини аниқлаш, шу билан бирга турғун ремиссияга эришиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронликка олиб келувчи асоратларининг олдини олиш, ўлим кўрсаткичларини камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматни ривожлантириш, шу жумладан кенг тарқалган юқумли бўлмаган касалликларни эрта ташхис қўйилиши ва даволаш чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. «... Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги ревматологик касалликларни тарқалиши, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

¹Насонов Е.Л. Ревматоидный артрит: проблемы ремиссии и резистентности к терапии / Е.Л. Насонов, Ю.А. Олюнин, А.М. Лиля // Научно-практическая ревматология. – 2018. – № 56(3). – С.263-271.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI. "Тиббиёт ва фармакология" йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўплаб олимларнинг тадқиқотлари РА касаллигининг клиник кечиши ва самарали даволашга бағишланган (Smolen, J. S. 2020, Burmester G.R. 2020, Насонов Е.Л. 2019). Лекин РА касаллигининг клиник кечишига биологик агентларнинг, жумладан хламидий трахоматис инфекциясининг таъсирига бағишланган маълумотлар жуда кам. Фақат айрим РАли беморларнинг синовиал суюқлигида ва синовиал тўқимасида хламидий инфекцияси ёки унинг антигени аниқланганлиги тўғрисида баъзи маълумотлар мавжуд. Жумладан культурал усул билан 8 нафар РАли беморнинг 2 нафари синовиал тўқимасидан *S. trachomatis* инфекцияси ажратиб олинган (С.В. Шубин ва ҳаммуаллифлар 2008 й.). Полимер занжирли реакция (ПЗР) усул билан эса ушбу инфекция 13,2% РАли беморларнинг синовиал суюқлиги нейтрофилларида аниқлаган (А.В. Petrov 2005 й.). Хламидий тархоматис билан ассоциацияда келган РА касаллиги клиник кечиши ўрганилган (Н.Ф. Сорока 2010 й.). Хламидий инфекцияси РА касаллигида буйрак амилоидози ривожланишининг хавф омилларидан бири бўлиб ҳисобланиши тўғрисида маълумотлар мавжуд (Н.Ф. Сорока ва А.К. Чиж 2010 й.).

Микроорганизмлар ҳамжамияти ёки уларнинг ўзаро кумулятив таъсирининг РА этиопатогенези ривожланишидаги туртки вазифасини бажариши ва уларнинг касалликнинг клиник босқичигача бўлган даврда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда касалликнинг кейинги босқичларида ўзининг таъсирини йўқотиши мукинлиги тўғрисида фикрлар билдирилган (Arleevskaya M.I. 2016 й.). Олимларнинг фикрича РА ривожланишида ўзига хос бир-неча патогенетик босқичлардан ўтади. Касалликнинг илк даврида иммун тизимидаги ўзгаришлар (РО - ревматоид омил ва ЦЦПА - циклик цитруллинланган пептидларга антитаналар) мавжудлиги касалликнинг дастлабки клиник кўринишларидан бир неча ой ва ҳатто йиллар олдин пайдо бўлади ва бу жараёнда туртки вазифасини бажариши мукин бўлган инфекциянинг аҳамияти шу кунга қадар инкор қилинмаган (Smolen J.S. 2016 й.).

Шунга қарамасдан, РА касаллигининг шу кунга келиб этиологияси номаълумлигича қолмоқда. Қолаверса, бу касалликда коморбид инфекциянинг, жумладан хламидий трахоматис инфекциясининг касалликнинг клиник кечишига, беморларнинг ҳаёт сифатига ва даволаш самарадорлигига таъсири етарлича ўрганилмаган. Хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РА касаллигида яллиғланишга қарши базис давони танлаш ва уни даволашнинг қайси этапида бериш масалалари ечилмаган.

Юқорида баён этилган фикрларни ҳисобга олиб, хламидий трахоматис инфекцияси билан биргаликда келган РАли беморларда касалликнинг кечиш хусусиятларини ўрганиш, даволашнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш сингари муамолар ҳали ҳанузгача охиригача ечилмаганлиги сабабли бу муаммони чуқурроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажариладиган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.070070 «Аутоиммун касалликларни эрта ташхислаш ва даволашга инновацион ёндашиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 й).

Тадқиқотнинг мақсади хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РА касаллигининг клиник кечиш хусусиятлари ва даволаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

РА хламидий инфекцияси билан биргаликда келганда касалликнинг кечиш хусусиятларини аниқлаш;

РАли беморларнинг ҳаёт сифатига хламидий инфекциясининг таъсирини баҳолаш;

РАли беморларда хламидий инфекцияси, клиник лаборатор кўрсаткичлар ва беморларнинг ҳаёт сифати ўртасида корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

РА хламидий инфекцияси билан биргаликда келганда антибактериал дори воситаларини киритиш билан мажмуавий даволаш самарадорлигини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2021 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг ревматология, кардиоревматология бўлимларида стационар шароитда даволанган ва артрологик ИАДК бўлимида амбулатор шароитда кузатилиб даволанган 95 нафар РА билан оғриган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардоби, рентгенологик ва ультратовуш текшириш усуллари, ҳамда ҳаёт сифатининг объектив ва субъектив кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник сўровнома, лаборатор таҳлиллар, иммунологик (ЦЦПА), интерлейкин (ИЛ) -1 β , ИЛ-6, ИЛ-10, ўсма некрози омили (ЎНО)- α титрлари, Disease Activity Score (DAS)-28, визуал аналогли шкала (ВАШ), Ричи бўйича оғриқни баҳолаш, SF-36 бўйича ҳаёт

сифати кўрсаткичлари, инструментал (бўғимларни ультратовуш, рентгенологик текшириш) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хламидий инфекцияси билан ревматоид артритнинг фаоллик даражаси ошиши, тизимли кўринишларининг (лимфаденопатия, субфебрилитет) ифодаланганлиги орасида боғлиқлик асосланган;

ревматоид артритли беморларда яллиғланиш цитокинлари ИЛ-1 β , ИЛ-6, ИЛ-10, γ -ИНО- α титрларининг юқорилиги ҳамда *Chlamydia trachomatis* инфекцияси титрларининг ортиши орасида корреляцион боғлиқлик аниқланган;

ревматоидли артрит хламидий инфекцияси билан ассоциирланганда визуал аналогли шкала кўтарилиши, Ричи индекси бўйича бўғим функционал имкониятларининг ва SF-36 бўйича беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларининг нисбатан камайиши аниқланган;

хламидий инфекцияси билан биргаликда келган ревматоид артритга яллиғланишга қарши базис даво тавсия этилганда хламидий инфекцияси эрадикациясининг бирламчи ўрни асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

РА хламидий инфекцияси билан биргаликда келганда классик кечишида зарарланмайдиган бўғимлар (I-бармоқ-панжа бўғими, дистал фалангалараро бўғимлар) шикастланиши аниқланган;

тадқиқот давомида РА касаллиги билан оғриган беморларда хламидий инфекциясининг қўшилиб келишини аниқлаш учун электрон дастур яратилган;

тадқиқот натижасида ушбу беморларни даволашда антибактериал давонинг самарадорлиги ва хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

оилавий шифокорлар ва ревматологлар учун касалликнинг турли шакллари ҳамда кечиш хусусиятларини баҳолаш мезонлари шакллантирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ушбу тадқиқот ишида қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, замонавий статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РАли беморларда касалликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва даволашга тўғри ёндашиш, яллиғланиш цитокинлари, беморларнинг бўғим фаолиятини баҳолаш индекслари билан таққосланиб, улар орасида узвий корреляцион боғлиқлик борлиги асосида, шунингдек асоратларининг олдини олиш мақсадида прогностик мезонларни ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РА билан касалланган беморларни эрта ташҳислаш, нохуш натижаларни прогноз қилиш ҳамда касалликнинг кечиши ва асоратлари олдини олиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва эрта ногиронликни олдини олишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РАнинг кечиши ва даволаш самарадорлигини баҳолаш буйича олинган илмий натижалар асосида:

хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РА даволаш буйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Хламидий инфекцияси билан биргаликда келган ревматоид артритни даволаш усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 августдаги 8 н-з/260-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РАни даволаш буйича чоратадбирларни такомиллаштириш имконини берган;

РАга хламидий инфекцияси қўшилиб келишини ташҳислаш буйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артритга хламидий инфекцияси қўшилиб келишини ташҳислаш усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 августдаги 8н-з/260-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РАни эрта ташҳислаш усуллари муқобиллаштириш имконини берган;

хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РАни ташҳислаш ва уни даволаш буйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Қорақалпоғистон Республикаси У. Халмуратов номидаги кўп тармоқли клиникаси ҳамда Қашқадарё вилояти Миришкор тумани тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги 08-04/16527-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РАни эрта аниқлаш, салбий оқибатларни башоратлаш, профилактика ва даволашни оптималлаштириш, ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 1 таси халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси буйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта асосий боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари ёритилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ревматоид артрит касаллиги этиопатогенезига замонавий қарашлар, касалликнинг хламидий инфекцияси билан бирга келганда кечишининг ўзига хослиги ва даволашдаги муаммолар»** деб номланган биринчи бобида бевосита мазкур тадқиқот иши мавзусига яъни РАнинг этиопатогенезига замонавий қарашлар тўғрисидаги илмий маълумотлар таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган, касалликнинг клиник кечиши хусусиятлари тўғрисидаги замонавий тушунчалар ёритилган, касаллик кечишига хламидий инфекциясининг таъсири ҳамда РА даволашдаги замонавий ёндошувлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Ревматоид артрит билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари акс эттирилган. Тадқиқот 2019-2021 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ревматология, кардиоревматология ва артрологик ихтисослашган амбулатор даволаш курси бўлимларида олиб борилди. Тадқиқотга РА билан касалланган 95 нафар беморлар киритилди, шулардан 35 нафарини соф РА (1-гурух), 60 нафарини *Chlamydia trachomatis* билан ассоциацияда келган РАли беморлар ташкил қилди.

Хламидий инфекцияси билан ассоциацияда келган 60 нафар бемор 2 гурухга бўлинди (2-3-гурухлар) 2-гурухни хламидий инфекцияси эрадикация қилинмасдан яллиғланишга қарши базис даво қўлланилган 30 нафар бемор ва 3-гурухни хламидий инфекцияси эрадикация қилингандан кейин яллиғланишга қарши базис даво қўлланилган 30 нафар беморлар ташкил қилди. Тадқиқотга 18 ёшдан катта РАли беморлар киритилди.

РА ташхиси Ревматологларнинг Америка Уюшмаси (ACR)/Европа ревматизмга қарши лигаси (EULAR) (2010 й) томонидан қабул қилинган мезонларга асосланган ҳолда тасдиқланган. Кузатувдаги беморларда *Chlamydia trachomatis* инфекциясини аниқлашда беморларнинг шикоят, анамнези, объектив кўрув маълумотлари, иммун-фермент таҳлили (ИФТ), ПЗР дан фойдаланилди. Беморларда яллиғланиш чақирувчи цитокинлардан ИЛ-1β, ИЛ-6, ЎНОα ва яллиғланишга қарши цитокинлардан ИЛ-10 миқдорини ИФА усули орқали аниқланди.

Беморларда ревматоид омил аниқланишига қараб серопозитив ва серонегатив, ЦЦПА мавжудлиги ёки йўқлигига асосан, АЦЦП позитив ҳамда


АЦЦП негатив беморларга ажратилди. Касаллик фаоллиги DAS-28 индексини ҳисоблаш орқали аниқланди.

РА кечиши ва фаоллигини баҳолашда визуал аналогли шкала (ВАШ), бўғимларнинг функционал имкониятини баҳолаш учун функционал синфлар (ФС) аниқланди, ҳамда функционал ҳолатини Стенфорд бўйича саломатликни баҳолаш сўровномаси (HAQ –Health Assessment Questionnaire) орқали амалга оширилди. Беморларда лаборатор таҳлиллар умум қабул этилган комплекс клиник текширувларни ўз ичига олган. Касаллик эрозив ўзгаришлар мавжудлиги ёки йўқлигига асосан рентгенологик (Штейнброкер усули ва унинг модификацияси), магнит-резонанс томография (МРТ) ва ультратовуш текшириш (Samsung Medison HS50 УТТ аппаратида) ўтказилган. Беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш кенг қўлланилган умумий сўровнома Short Form Medical Outcomes Study (SF-36) ёрдамида баҳоланди.

Натижаларга статистик қайта ишлов беришда IBM SPSS 26.0 Microsoft Excel 2013 компьютер дастуридан фойдаланилди. Краскел-Уоллис тестини қўллаганда танловнинг кичик ҳажмларида ва рақамли натижаларнинг тақсимланиш қонунига мувофиқ келмаганида Манн-Уитни тестини Бонферрони услубида коррекция қилиш орқали таққосланилди. Гуруҳлар ичидаги барча кўрсаткичлар солиштирилганда Фридманнинг χ^2 (хи-квадрат) тести ёрдамида ҳисобланди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Спирмен корреляция коэффициенти (ρ) ҳисобланди.


Диссертациянинг учинчи «**Ревматоид артрит хламидий трахоматис билан биргаликда келганда касалликнинг кечиш хусусиятлари**» номли боби беш кичик қисмдан иборат.

Диссертация иши учинчи бобининг “**Ревматоид артритли беморларда хламидий трахоматис инфекциясининг учраш частотаси**” қисмида РАга чалинган 526 нафар беморда хламидий трахоматис инфекциясининг учраш частотаси ўрганиб чиқилди. Текширишлар натижасида кузатувимиздаги РАли беморларнинг 13,3% да хламидий трахоматис инфекцияси аниқланди (1-расм).



1-расм. Ревматоид артритли беморларда хламидий трахоматис инфекциясининг учраш частотаси

«Соф РА ва хламидий трахоматис билан биргаликда келган ревматоид артритнинг клиник кўрсаткичлари хусусияти» деб номланган иккинчи кичик қисмида қуйидаги маълумотлар баён қилинган (2-расм).



Изох: ** - P < 0,001


2-расм. Касаллик дебютида беморларнинг бўғим синдроми бўйича хусусиятлари

Кузатувимиздаги беморларнинг РА касаллиги дебютида хламидий инфекцияси билан биргаликда келганда соф РАдан фарқли равишда тирсак бўғими зарарланиши ҳолати 15,5% га, болдир-товон бўғими зарарланиши 17,7% га, чаноқ сон бўғими зарарланиши 5% га фарқ қилиниши кузатилди.

Классик РА дебютида зарарланмайдиган бўғимлар мавжуд бўлиб буларга дистал фалангалараро бўғимлар (ДФАБ) ва қўл панжаси биринчи бармоқ-панжа бўғими (БПБ) киради. Кузатувимиздаги беморларнинг соф РАдан ташкил топган гуруҳида ушбу икки бўғим зарарланиши умуман кузатилмаган бўлса, хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РАли беморларда бу бўғимларнинг зарарланиши мос равишда 6,6% ва 11,6% беморларда кузатилди.

Кузатувимиздаги беморларда бўғим синдромидан ташқари клиник белгилар, яъни кўз зарарланиши ва уретрит аломатлари кузатилди (3-расм).

3-расмдаги маълумотлардан маълумки беморларда конъюнктивит ҳолати РА хламидий инфекцияси билан ассоциацияда келганда соф РАга нисбатан 2,1 баробар кўп учраши аниқланди. Шунинг билан бир қаторда ирит 2,4 баробар, увеит 2,9 баробар кўп учраши кузатилди. Хламидий инфекцияси билан ассоциацияда келган РАли беморларнинг 21,7% уретрит аниқланди.



Изох: ** - $P < 0,001$

3-расм. Кузатувдаги беморларда кўз ва уретра зарарланиши хусусиятлари

Беморларда клиник белгиларнинг учраш частотаси тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Беморларда клиник белгиларнинг учраш частотаси

Клиник белгилар		Соф РА (n=35) (кузатувлар частотаси %)	РА+ХТ(n=60) (кузатувлар частотаси %)
Эрталабки карахтлиқ		100	100
Ревматоид тугунча		8,6	8,3
Яллиғланган бўғим терисида гиперемиянинг кузатилиши		2,8	16,6**
Талалгия		0	13,3**
Ахилл пайи энтезити		0	11,6**
Лимфаденопатия		11,4	23,3**
Тана ҳарорати субфебрил кўтарилиши	Метотрекат бошлангунча	5,7	18,3*
	Метотрекат бошлагандан кейин	0	31,6**


Изох: ** - $P < 0,001$; * - $P < 0,01$

1-жадвалдан кўриниб турганидек яллиғланган бўғим териси гиперемияси соф РАли беморларнинг 1 нафарида аниқланган бўлиб у 2,8% ни ташкил қилди, шу кўрсаткич хламидий трахоматис билан биргаликда келган РАли беморларнинг 10 нафарида кузатилди ва 16,6% ни ташкил қилди. Талалгия, ахил пайи энтезити, лимфаденопатия, тана ҳароратининг субфебрил кўтарилиши, сингари кўрсаткичлар соф РАли беморларга нисбатан РА хламидий инфекцияси билан биргаликда келганда ишонарли

кўпроқ учраши аниқланди. Кузатувимиз шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳ беморларида метотрексат фонида тана ҳарорати меёрлашган бўлса, иккинчи гуруҳ беморларида эса тана ҳарорати субфебрил кўтарилган беморлар сони кўпайди ва даволаш давомида 31,6% беморларда кузатилди. Яъни метотрексат фонида беморларнинг иммун тизими сусайиши натижасида хламидий инфекцияси туфайли тана ҳарорати кўтарилган беморлар сони ошганлиги кузатилди.

«Соф ревматоид артрит ва хламидий трахоматис билан биргаликда келган ревматоид артритнинг лаборатор кўрсаткичлари хусусияти» деб номланган учинчи кичик қисмида қуйидаги маълумотлар баён қилинган.

Гуруҳларда беморларнинг касаллик фаоллик даражаси бўйича тақсимланиши 4-расмда келтирилган.




4-расм. Беморларнинг касаллик фаоллик даражаси бўйича тақсимланиши

Юқоридаги расмдан кўриниб турганидек кузатувимиздаги беморларнинг 1-гуруҳида, яъни соф РАли 5 нафар (14,3%) беморда I даражали фаоллик, 26 нафар (74,3%) беморда II даражали фаоллик, 4 нафар (11,4%) беморда III даражали фаоллик аниқланган бўлса хламидий трахоматис билан биргаликда келган РАли 2-гуруҳимизда 7 нафар (11,7%) беморда I даражали фаоллик, 43 нафар (71,7%) беморда II даражали фаоллик, 10 нафар (16,6%) беморда III даражали фаоллик аниқланди.

Беморларда касаллик рентгенологик босқичи модификацияланган Steinbrocker услуби бўйича аниқланди. Рентгенологик ўзгаришлар таҳлили 5-расмда келтирилган.

5-расмда кўриниб турганидек иккала гуруҳ беморларимизнинг аксарият қисмини II-рентгенологик босқичи ташкил қилган бўлса ҳам, III ва IV-рентгенологик босқичи хламидий инфекцияси билан ассоциацияда келган РАли беморларда соф РАли беморларга нисбатан кўпроқ учраши аниқланди.



5-расм. Беморларнинг бўғим рентгенологик босқичлари бўйича тақсимланиши

«Соф ревматоид артрит ва хламидий трахоматис билан биргаликда келган ревматоид артритнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили» деб номланган 4-кичик қисмида беморларнинг клиник ва лаборатор белгилари солиштирма таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Беморларнинг клиник-лаборатор белгилари бўйича солиштирма таҳлили

Кўрсаткичлар	Соф РА n=35 (M±σ)	РА+ХТ n=60 (M±σ)	P
Эрталабки карахтлик, дақиқа	154,00±45,19	167,66±45,74	P=0,162
DAS-28, балл	4,64±0,84	4,74±0,84	P=0,579
ШБС	5,16±2,99	6,48±1,33	P=0,016
ОБС	9,28±1,63	11,98±1,59	P<0,001
ЭЧТ, Вестергрен бўйича, мм/с	19,91±4,68	25,13±5,34	P<0,001
ЦЦПА, бирлик/мл	145,32±97,68	126,78±79,73	P=0,530
РО, бирлик/мл	23,40±13,99	24,18±11,59	P=0,769
ФС	2,14±0,64	2,81±0,53	P<0,001
Рентгенологик босқичи	2,11±0,63	2,56±0,77	P=0,470
НАQ, балл	1,86±0,47	2,32±0,16	P<0,001
ВАШ, балл	74,00±5,01	79,3±3,99	P<0,001
Ричи индекси	1,51±0,28	1,66±0,28	P=0,019

Изох: P – гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, эрталабки карахтлик, DAS-28, ЦЦПА, РО ва рентгенологик босқич кўрсаткичлари биринчи ва иккинчи гуруҳда бир-биридан ишонарли фарқ қилмади (P мос равишда 0,162, 0,579, 0,530, 0,769 ва P=0,470 га тенг, яъни P>0,05).

Шишган бўғимлар сони (ШБС) биринчи гуруҳга нисбатан иккинчи гуруҳда 25,5% баланд эканлиги аниқланди (P=0,016), оғриқли бўғимлар сони (ОБС) – 29% га (P<0,001), эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) – 26,2% га (P<0,001), бўғим

функционал етишмовчилигининг функционал синфи (ФС) – 31,3% га ($P<0,001$), саломатликни баҳолаш кўрсаткичи (Health Assessment Questionnaire – HAQ) – 24,7% га ($P<0,001$), ВАШ – 7,1% га ($P<0,001$), Ричи индекси 9,9% га ($P=0,019$) биринчи гуруҳга нисбатан иккинчи гуруҳда баланд эканлиги аниқланди. Бу эса РА хламидий инфекцияси билан биргаликда келганда касаллик фаоллиги белгилари соф РАга нисбатан юқори эканлигини кўрсатади.

Кузатувдаги беморларда цитокинлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Беморларнинг цитокинлар кўрсаткичлари бўйича солиштирма таҳлили

Кўрсаткичлар	Соф РА n=35 (M±σ)	РА+ХТ n=60 (M±σ)	P
Интерлейкин - 1 _β (пк/мл)	15,07±1,74	21,03±2,14	P<0,001
Интерлейкин – 6 (пк/мл)	24,91±2,72	28,41±2,05	P<0,001
Ўсма некрози омили-α (пк/мл)	32,50±2,47	38,71±1,63	P<0,001
Интерлейкин -10 (пк/мл)	13,42±1,30	17,18±1,92	P<0,001

Изох: P – гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги.

3-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турганидек яллиғланиш олди цитокинларидан ИЛ-1_β, ИЛ-6, ЎНО_α ва яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10 миқдори РА хламидий трахоматис билан биргаликда келганда соф РАга нисбатан статистик аҳамиятли юқори эканлиги аниқланди ($P<0,001$).

«Соф ревматоид артрит ва хламидий трахоматис билан биргаликда келган ревматоид артритли беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари» деб номланган 5-кичик қисмида кузатувдаги беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари таҳлил қилинди (4-жадвал).

4-жадвал

Соф ревматоид артрит ва хламидий трахоматис билан биргаликда келган ревматоид артритли беморларнинг ҳаёт сифати дастлабки кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	Соф РА n=35 (M±σ)	РА+ХТ n=60 (M±σ)	P
PF	49,14±9,96	38,5±8,5	P<0,001
RP	31,42±11,08	28,33±8,57	P=0,132
BP	26,6±7,04	20,7±6,39	P<0,001
GH	31,28±4,59	28,03±7,08	P=0,017
VT	34,77±7,86	36,08±5,90	P=0,359
SF	32,72±7,99	24,56±5,16	P<0,001
RE	33,00±0,00	33,00±0,00	P=1,0
MH	42,34±4,71	39,60±6,01	P=0,023

Изох: PF – жисмоний фаоллик; RP – ҳаёт фаолиятининг чекланганлигида жисмоний муаммоларнинг роли; BP – оғриқ шкаласи; GH – умумий саломатлик; VT – ҳаёт қобилияти шкаласи; SF – ижтимоий фаоллик шкаласи; RE– ҳаёт фаолияти чегараланишида эмоционал муаммоларнинг аҳамияти; MH – руҳий саломатлик.

P – гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида соф РАли беморларининг жисмоний фаоллик, оғриқ шкаласи, умумий саломатлик, ижтимоий фаоллик шкаласи, руҳий саломатлик кўрсаткичлари хламидий инфекцияси билан биргаликда келган РАли беморларнинг шу кўрсаткичига нисбатан статистик ишонарли юқори эканлиги аниқланди ($P < 0,001$). Бу эса РА хламидий инфекцияси билан биргаликда келганда беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари соф РАга нисбатан статистик аҳамиятли паст эканлигини билдиради.

Кузатувимиздаги беморларнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари хламидий инфекцияси билан коррелляция қилинишини аниқлаганимизда қуйидаги ўзгаришлар кузатилди (6-расм).



Изоҳ: ** - Икки томонлама коррелляция $P < 0,01$ даражасида

6-расм. Клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг хламидий инфекцияси билан коррелляция қилиниши

Юқорида келтирилган 6-расмда кўриниб турганидек ВАШ, НАҚ, Ричи индекси, ЭЧТ сингари кўрсаткичлар хламидий инфекцияси титри билан мусбат коррелляция қилинди ($P < 0,01$), ҳаёт сифатининг жисмоний фаоллик, оғриқ шкаласи, ижтимоий фаоллик шкаласи сингари кўрсаткичлари эса манфий коррелляцияга учради ($P < 0,01$).

Диссертациянинг «Ревматоид артрит хламидий трахоматис билан биргаликда келганда касалликни даволаш хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида даволаш самарадорлигини ўрганиш учун беморлар учта гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ беморлари 35 нафар, бу гуруҳ беморларини соф РАли беморлар ташкил қилди (назорат гуруҳи). Бу беморларга анъанавий даво билан биргаликда яллиғланишга қарши базис даво сифатида метотрексат ҳафтасига 15 мг тавсия қилинди. Иккинчи ва учинчи гуруҳ беморлари 30 нафардан РА билан хламидий инфекцияси ассоциацияда келган беморлардан ташкил топди. Иккинчи гуруҳ беморларига анъанавий даво билан биргаликда яллиғланишга қарши базис даво сифатида метотрексат ҳафтасига 15 мг тавсия қилинди. Даволаш самарадорлиги 1 ойдан кейин баҳоланди. Давонинг кейинги этапини бошлашдан олдин бу гуруҳ беморларига хламидий инфекциясини эрадикация қилиш учун 100 мг дан кунига 2 марта 14 кун давомида этиотроп даво сифатида доксициклин моногидрат тавсия қилинди ва фақат *S. trachomatis*

га манфий натижадан кейингина яллиғланишга қарши базис даво сифатида метотрексат ҳафтасига 15 мг қайта тавсия қилинди, даволаш самарадорлиги яна 1 ойдан кейин қайта баҳоланди. Учинчи гуруҳ беморларига даволаш юқорида келтирилган схема асосида хламидий инфекциясини эрадикация қилишдан бошланди ва фақат *S. trachomatis*га манфий натижадан кейингина анъанавий даво билан биргаликда яллиғланишга қарши базис даво сифатида метотрексат ҳафтасига 15 мг тавсия қилинди.

Даволаш натижасида касаллик клиник ва лаборатор кўрсаткичларини ўрганишда қуйидаги натижалар аниқланди.

Биринчи гуруҳ беморларида РА клиник-лаборатор кўрсаткичлари динамикаси 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Биринчи гуруҳ беморларида ревматоид артрит клиник-лаборатор кўрсаткичлари динамикаси (n=35)

Кўрсаткичлар	Кузатув бошида (M±σ)	Бир ойдан кейин (M±σ)	Уч ойдан кейин (M±σ)
Эрталабки карахтлиқ, дақиқа	154,00±45,19	108,29±35,27	67,14±25,03
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		
DAS-28, балл	4,64±0,84	4,21±0,78	3,72±0,72
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		
ШБС	5,16±2,99	2,71±1,61	1,03±0,63
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		
ОБС	9,28±1,63	5,02±0,74	2,57±0,50
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		
ЭЧТ, Вестергрэн бўйича, мм/с	19,91±4,68	15,69±3,37	12,03±1,91
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		
ЦЦПА, бирлик/мл	145,32±97,68	145,75±94,63	132,05±84,40
	P ₁₋₂ =0,468; P ₁₋₃ =0,146; P ₂₋₃ =0,172		
РО, бирлик/мл	23,40±13,99	22,31±13,46	20,31±12,79
	P ₁₋₂ =0,008; P ₁₋₃ >0,001; P ₂₋₃ >0,001		
ФС	2,14±0,64	1,31±0,47	1,11±0,32
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		
Рентгенологик босқичи	2,11±0,63	2,11±0,63	2,11±0,63
	P ₁₋₂ =1,0; P ₁₋₃ =1,0; P ₂₋₃ =1,0		
НАҚ, балл	1,86±0,47	1,18±0,33	0,62±0,19
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		
ВАШ, балл	74,00±5,01	62,69±5,15	53,49±4,88
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		
Ричи индекси	1,51±0,28	0,97±0,18	0,46±0,11
	P ₁₋₂ <0,001; P ₁₋₃ <0,001; P ₂₋₃ <0,001		

Изох: P₁₋₂ – гуруҳдаги тегишли кўрсаткичларнинг кузатув бошидаги ва бир ойлик даводан кейинги фарқлар ишончилиги; P₁₋₃ – гуруҳдаги тегишли кўрсаткичларнинг кузатув бошидаги ва уч ойлик даводан кейинги фарқлар ишончилиги; P₂₋₃ – гуруҳдаги тегишли кўрсаткичларнинг бир ойлик ва уч ойлик даводан кейинги фарқлар ишончилиги.

5-жадвалдан кўриниб турганидек, биринчи гуруҳда ҳафтасига 15 мг метотрексат билан уч ой давомида ўтказилган яллиғланига қарши базис даво РА касаллигининг фаоллик кўрсаткичларининг камайишига ижобий таъсир кўрсатди. Айниқа эрталабки қарахтлик давомийлиги бир ойлик ва уч ойлик даволан кейин мос равишда 29,7% ва 56,5% га ($P<0,001$) камайди, DAS-28 даводан кейин 9,3% ва 19,9% га ($P<0,001$), ШБС 47,5% ва 80,1% га ($P<0,001$), ОБС 45,9% ва 72,3% га ($P<0,001$), ЭЧТ 21,2% ва 39,6% га ($P<0,001$), ФС 38,8% ва 48,2% га ($P<0,001$), НАҚ 36,6% ва 76,7% га ($P<0,001$), ВАШ 15,3% ва 27,7% га ($P<0,001$), Ричи индекси 35,8% ва 69,5% ($P<0,001$) га камайди. Бу эса юқоридаги кўрсаткичларнинг даволаш динамикасида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан статистик аҳамиятли фарқ қилганини билдиради.

Иккинчи гуруҳ беморларида касаллик клиник-лаборатор кўрсаткичларининг динамикаси 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Иккинчи гуруҳ беморларида ревматоид артрит клиник-лаборатор кўрсаткичлари динамикаси (n=30)

Кўрсаткичлар	Кузатув бошида (M±σ)	Бир ойдан кейин (M±σ)	Уч ойдан кейин (M±σ)
Эрталабки қарахтлик, дақиқа	183,00±41,78	199,67±48,81	91,33,28,25
	$P_{1-2}=0,089; P_{1-3}<0,001; P_{2-3}<0,001$		
DAS-28, балл	4,59±0,98	4,72±0,99	3,96±0,86
	$P_{1-2}=0,091; P_{1-3}<0,001; P_{2-3}<0,001$		
ШБС	3,60±2,79	4,30±1,98	0,92±0,80
	$P_{1-2}=0,077; P_{1-3}<0,001; P_{2-3}<0,001$		
ОБС	12,46±1,90	11,56±1,77	5,10±0,60
	$P_{1-2}=0,062; P_{1-3}<0,001; P_{2-3}<0,001$		
ЭЧТ, Вестергрэн бўйича, мм/с	24,33±4,21	29,73±488	13,9±174
	$P_{1-2}<0,001; P_{1-3}<0,001; P_{2-3}<0,001$		
ЦЦПА, бирлик/мл	172,44±91,11	171,94±88,95	170,85±86,46
	$P_{1-2}=0,572; P_{1-3}=0,017; P_{2-3}>0,146$		
РО, бирлик/мл	25,37±14,21	22,53±11,74	20,8±10,8
	$P_{1-2}=0,103; P_{1-3}=0,087; P_{2-3}=0,718$		
ФС	2,96±0,55	2,86±0,50	1,96±0,66
	$P_{1-2}=0,699; P_{1-3}<0,001; P_{2-3}<0,001$		
